



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг
2026 йил 10 июндаги Акциядорларнинг
умумий йиғилишининг
1-сон баённомаси билан

**“Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамияти
кузатув кенгаши тўғрисида**

Н И З О М

(Янги тахрирда)

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, ҳамда “Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамияти уставига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Кузатув кенгашининг мақомини, ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ишлаш тартибини белгилайди.

2. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

3. Жамият Кузатув кенгаши ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

2-боб. Кузатув кенгашининг ваколат доираси

4. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат, шундан мустақил аъзолар сони 1 (бир) нафарни ташкил этади.

5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

–Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Жамият ижро органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

–акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

–акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

–акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

–акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

–Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини ҳал қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

–мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

–корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилавчи низомни тасдиқлаш;

–Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

–ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

–Жамият ижро органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижро органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

–аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируғи бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

–дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

–Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

–Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш ва ёпиш;

–Жамиятнинг шўъба ва тобе хоҳалик жамиятларини ташкил этиш ва ёпиш;

–Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳамда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

–Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштирокини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

–Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

–Жамият ижроия органига бизнес-режа ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бажарилганлигини инобатга олган ҳолда мукофотлар ва бонуслар миқдорини белгилаш;

–Жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хочалик жамиятлари устав капиталидagi улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

–Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

–Жамиятнинг раҳбар лавозимларига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, ижро органи раҳбари лавозимига танлов эълон қилиш ва ўтказиш;

–ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

–Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкилаштириш, баҳолаш ҳукукига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;

–Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайнловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ва Таваккалчиликларни бошқариш бўйича қўмиталари, шунингдек заруратга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш;

–Жамиятни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

–Жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция

–лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш;

–Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ва унга киритилаётган ўзгартиришларни маъқуллаш;

–ижроия органига тўланадиган ҳақ ва унинг энг юқори миқдорини ҳамда унга киритилаётган ўзгартиришларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш;

–Қонунчилик ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

6. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижро органига ўтказилиши мумкин эмас.

3-боб. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва ваколатини муддатидан илгари тугатиш

7. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

8. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

9. Жамият бошқаруви аъзолари (директори), унинг шоъба ва тобе хочалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу

жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10. Айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

12. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ бериши ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Бунда Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, агар Жамият уставига бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

13. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

14. Жамият Кузатув кенгаши аъзоси у сайланган кундан бошлаб, Жамиятнинг аффилиланган шахси деб эътироф этилади. Шунингдек, у сайланган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг иловасида келтирилган шаклга мувофиқ белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида Жамиятни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

15. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш қонунчилиқда ва Жамият уставига назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

16. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳолларда ўз вазифаларидан озод этилиши мумкин:

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёки ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, Жамиятга зарар етказса;

- Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларига зид равишда инсофсиз ва мантиқсиз ҳаракат қилса;

- Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни, шу жумладан инсайдерлик ахборотларни ошкор этиш, уларнинг учинчи шахслар томонидан ўз мақсадларида фойдаланишга йўл қўйса;

- Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларида, Кузатув кенгаши қўшидаги кўмиталарнинг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаса;

- у тузилишидан манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисидаги маълумотларни яширса;

- Акциядор томонидан унинг ўрнига бошқа номзод тақдим этилса.

4-боб. Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар

17. Кузатув кенгашининг аъзоси сифатида бенуқсон ишчанлик ва шахсий обрў-эътиборга эга бўлган ҳамда Кузатув кенгаши ваколатига тегишли қарорларни қабул қилиш ва функцияларини самарали бажариш учун талаб этилган билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган шахслар тавсия этилади.

18. Қуйидаги малака талабларига эга бўлган шахс Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин:

- олий таълим ёки илмий даражанинг, бошқарув (менежмент) соҳасида қўшимча таълими мавжуд бўлган;

- давлат ёки хоҳалик бошқарув органларида ва/ёки Жамият фаолиятига тегишли бўлган тармоқда иш тажрибасига эга бўлган;

- раҳбар лавозимларида иш тажрибаси мавжуд бўлган;

– турли коллегиял органларда иштирок этиш билан боғлиқ махсус кўникмалар (кучли коммуникация кўникмалари, фаолиятни шаффофлик, холислик, конструктивлик ва профессионализм тамойиллари асосида амалга ошириш учун зарур сифатлар)га эга бўлган;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлган (ушбу банд талаби жамият кузатув кенгашига давлат улуши бўйича таклиф этилган давлат вакилларига нисбатан тадбиқ этилади).

5-боб. Кузатув кенгашининг раиси

19. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

20. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раиси учун Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

21. Жамият Кузатув кенгашининг раиси:

- Кузатув кенгашининг ишини ташкил этади;
- Кузатув кенгаши мажлисларини чақириб, уларда раислик қилади;
- Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

22. Жамият Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

6-боб. Кузатув кенгашининг мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

23. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббуси асосида, Жамият Кузатув кенгаши, ижро органи, шунингдек Жамият Уставида белгиланган бошқа шахслар талабига кўра чақирилади.

24. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш пухта ишланган режа асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай режани Кузатув кенгашининг барча аъзолари, ижро органи, ҳамда зарурат туғилганда, Жамиятнинг аудитор ва ички аудит хизматидан келиб тушган таклифлар асосида Кузатув кенгаши раиси шакллантиради.

25. Жамият Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўнда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажраталиши лозим.

26. Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади, бунда мажлисда мажбурий тартибда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

– Жамият ижро органининг Жамиятнинг бизнес-режасини бажарилиши тўғрисидаги, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги, Жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги, Жамият асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шовба хоҳалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги, Жамият томонидан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари;

– Ички аудит хизматининг ҳисоботи;

– Кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этилган Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайнловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича хулоса ва тавсиялари.

27. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

28. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув

Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

29. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

30. Қуйидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади:

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарорлар;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисидаги қарор;

Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор;

сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинадиган қарорлар.

31. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

32. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

33. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари; қабул қилинган қарорлар.

34. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ҳамда мажлис котиби томонидан имзоланади. Кузатув кенгаши аъзолари мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун масъул бўлади.

35. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларига котиблик қилиш ва баённома юритиш вазифасини бажарувчи шахсни белгилайди. Бунда, Кузатув кенгаши котиби сифатида корпоратив маслаҳатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахассис, корпоратив бошқарув бўлими бошлиғи ёки бошқа мутахассис белгиланиши мумкин.

36. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бунда Кузатув кенгашининг мажлисда ҳозир бўлмаган Кузатув кенгаши аъзосининг мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ёзма тарзда берган фикри инобатга олинади ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан (телефон, электрон алоқа, ижтимоий тармоқларнинг мессенжерлари ва ҳ.к.) фойдаланган ҳолда Кузатув кенгаши аъзосининг ёзма фикри тезкор тарзда юборилиши ва олинishi мумкин. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади.

37. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси масофадан туриб ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилиши мумкин, бунда мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишлари ва улар бўйича овоз беришлари мумкин. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилган тақдирда, мажлис

баённомасида бу ҳақда кўрсатилади, ушбу мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган деб эътироф этилмайди.

38. Хар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

39. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижро органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижро органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

7-боб. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

40. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаши қарорга кўра муайян даврда Жамиятнинг фаолияти натижалари, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

Жамиятга, шунингдек, унинг шўба ва тобе юридик шахсларига оид ҳар қандай ахборот (ҳужжат ва материаллар)ни Жамият ижро органидан талаб қилиш ва олиш;

кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Кузатув кенгаши мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш;

Кузатув кенгаши ва Жамиятнинг бошқа коллегиял органлари мажлислари баённомалари билан танишиш ва уларнинг нусхаларини олиш;

қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Кузатув кенгашида ишлаган даври учун ҳақ ва (ёки) харажатларининг компенсациясини олиш.

41. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб виждонан ва оқилона иш тутиши, уларга маълум бўлган махфий маълумотларни ва хизмат ҳамда тиҷорат сирини ташкил этувчи Жамият ҳужжатларини ошкор қилмасликлари лозим.

42. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мавқеи ва Жамият фаолияти ҳақида олинган маълумотларни шахсий манфаатларида фойдаланишига, шунингдек ушбу маълумотларни бошқа шахслар томонидан шахсий манфаатларида фойдаланишига йўл қўймасликлари лозим.

43. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиши шарт. Агар мажлисида қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса Кузатув кенгаши аъзоси сабабларини кўрсатган ҳолда Кузатув кенгашини бу ҳақда хабардор қилади. Бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгаши аъзоси мазкур Низомга мувофиқ кун тартибидаги масалалар юзасидан ёзма фикрини юборишга ҳақли.

44. Аффилланган шахс бўлган Кузатув кенгашининг аъзоси Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдирги юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

45. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

46. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

47. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

48. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги фидуциар мажбуриятларни бажаришлари лозим:

- жонкуярликни намоён қилиш мажбурияти - Кузатув кенгаши аъзосидан виждонан ва жонкуярлик асосида ҳаракат қилиш;

- содиқликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти - Кузатув кенгаши аъзоларидан, биринчи навбатда, корхона манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш;

- лозим даражада кўздан кечиришликни намоён қилиш мажбурияти - Кузатув кенгаши аъзоларидан корхонага нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

- мустақил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти - Кузатув кенгаши аъзосидан қарорларни мустақил, шахсий ва бошқа манфаатларни иноватга олмаган ҳолда қабул қилиш;

- вазфа ва мажбуриятларини амалга оширишда виждонан ҳаракат қилиб, жамият ва акциядорлар манфаатларини энг кўп акс эттирувчи усуллардан фойдаланиш;

- жамият мол-мулкидан жамиятнинг уставига ва ички ҳужжатларига зид равишда ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилишининг ва (ёки) кузатув кенгашининг қарорларисиз, шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланмасликни ҳамда ундан бошқа шахслар томонидан шу тарзда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

- жамиятнинг бизнес имкониятларидан ёки жамият учун манфаатли бўлган

- Объектлардан ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўз мавқеидан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз, шахсий наф олиш мақсадида ёки бошқа шахслар манфаатларини кўзлаб, шундай наф олишга кўмаклашиш мақсадида фойдаланмаслик;

- жамиятнинг асосий фаолияти йўналишларига хос бўлган соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмаслик;

- қонунчиликка, жамиятнинг ички ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

- ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш эвазига моддий қимматликлар олмасликни ёки бундан манфаатдор бўлган шахслардан мулкый манфаатдор бўлмаслик.

8-боб. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

49. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

50. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

51. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

52. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

53. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

- чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

- қонунчиликда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

– Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишида манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан Жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз афилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

– Мазкур Низом 48-бандининг олтинчи – ўн биринчи бандларида кўрсатилган фидутсиар мажбуриятларни бажармаслик.

9-боб. Кузатув кенгашининг қўмиталари

54. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасида қўмиталар ташкил этилади.

55. Жамиятда Кузатув кенгаши қарори билан қуйидаги қўмиталар ташкил этилади:

- Стратегия ва инвестициялар қўмитаси;
- Аудит қўмитаси;
- Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси;
- Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси;
- Таваккалчиликларни бошқариш бўйича қўмита.

Барча қўмиталарнинг фаолияти қўмита таркиби, ваколатлари, иш тартиби ҳамда аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби қоидаларни ўз ичига олган ички ҳужжатлар билан тартибга солинади.

56. Қўмиталар таркиби Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда қўмиталар ишига Жамият ижро органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва ташқи экспертлар жалб этилиши мумкин.

57. Қўмиталар аъзолари Жамият Кузатув кенгаши раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгаши аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши қўмита аъзолари орасида қўмита раисини тайинлайди.

58. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок қилса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда қўмита раиси иштирок этиши шарт. Мажлисида қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳар бир қўмита аъзоси бир овозга эга.

59. Қўмитанинг қарори мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома қўмита котиби томонидан юритилади ва у овоз беришда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади.

10-боб. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси

60. Жамият Кузатув кенгаши таркибига 1 нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлса, номзод кўрсатиш ҳамда Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

61. Қуйидаги шахс Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 761-моддасида мустақил аъзолар учун белгиланган талабларга мувофиқ келган Кузатув кенгаши аъзоси эътироф этилади.

62. Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси сифатида сайланиши учун, қонунчилик ҳужжатлари билан мустақил аъзолик учун белгиланган талабларга мос келувчи қуйидаги шахслар таклиф қилиниши мумкин:

- профессионал жамиятлар ёки ташкилотларнинг аъзолари бўлган шахслар;
- олий таълим ва/ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари;
- ушбу Жамият билан боғлиқ бўлмаган (афилланган бўлмаган) бошқа ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳисобланган, корпоратив қонунчиликни билувчи ҳамда корпоратив бошқарув усуллари ва тамойилларидан хабардор шахслар;

– сўнгги уч йил мобайнида нафақада бўлган, ушбу Жамиятда узоқ вақт ишлаган ва корхонани бошқариш соҳасида катта тажрибага эга шахслар;

– молиявий таҳлил ўтказиш, стратегик режалаштириш бўйича тажриба ва кўникмаларга эга бўлган чет эл мутахассислари.

63. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бошқа аъзолар билан бир хил вазифаларни бажариб, қарорлар қабул қилинишида мустақиллик тамойилини таъминлайди.

11-боб. Яқунловчи қоидалар

64. Мазкур Низом Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

65. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Жамият акциядорлари ва Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан киритилиши мумкин.

66. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу Низомнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, Низомга ўзгартиш киритилгунга қадар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш юритадилар.